

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

476 **Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2606-2

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 августдаги ПФ-4747-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини кенгайтиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 4 июлдаги 01-02/12-13-сон қарори (рўйхат рақами 2606, 2014 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 32-сон, 411-модда) билан тасдиқланган Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

3. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 16 сентябрь,
01-02/12-59-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил
16 сентябрдаги 01-02/12-59-сон қарорига
ИЛОВА

Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
- «2. Декларация:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

жисмоний шахсларнинг нотижорат мақсадлардаги, қиймати ва миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган божсиз олиб кириш нормаларидан ва акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормаларидан ошадиган товарларга;

жисмоний шахснинг яшаш жойи ўзгарганда (аввалги яшаш жойидан ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисида қайд мавжуд бўлган ҳолда) унинг шахсий мол-мулки бўлган товарларга, бундан автотранспорт воситалари мустасно;

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 158 ва 160-моддаларида кўрсатилган ҳолларда, жисмоний шахсларнинг нотижорат мақсадлардаги транспорт воситаларига;

Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси ва валюта бойликларига; қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли тақиқлар ва (ёки) чекловлар белгиланган товарларга тўлдирилади.»

2. Қуйидаги мазмундаги 3¹-банд билан тўлдирилсин:

«3¹. Декларация божхона органларида расмийлаштирилган йилдан кейинги йилдан эътиборан уч йил давомида сақланади.»

3. 4-банддаги «қимматбаҳо буюмлар» деган сўзлар «ҳар қандай кўринишдаги ва ҳолатдаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар (бундан буён матнда қимматбаҳо буюмлар деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштиралин.

4. Илованинг Йўловчи божхона декларацияси намунасининг эслатма қисмида:

а) 2-банднинг «б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) дон (буғдой, сули, арпа, гуруч, маккажўхори, гречиха); нон-булка маҳсулотлари (ўзи ишлаб чиқарган, ҳамирдан тайёрланган қандолат маҳсулотлари, пирожнийлар, печеньелар, сухари, қовурилган бурда нон ва шунга ўхшаш қовурилган маҳсулотлардан ташқари); ун, ёрмалар; уй ҳайвонлари, паррандалар; гўшт ва истеъмолбоп гўштли қўшимча маҳсулотлар, уй паррандасининг истеъмолбоп маҳсулотлари (товуқ панжаларидан ташқари); шакар; ўсимлик ёғлари; тери хом ашёси (ностандарт терилар ҳам), теримўйна, шу жумладан қоракўл териси (ностандарт терилар ҳам) хом ашёси; рангли металл парчалари ва чиқиндилари; чуватиш имкони бўлган пилла, хом ипак (эшилмагани), ипак чиқиндилари (шу жумладан чуватиш имкони бўлмаган пилла, пилла ипи чиқиндилари ва юмшатирилган чиқиндилари); полиэтилентерефталат (ПЭТ) чиқитлари, қийқиндилари ва скрап (қиринди)лари, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхатга асосан республикадан олиб чиқиб кетилиши мумкин бўлмаган биологик объектлар.»;

б) 6-банддан «Қиймати 1000 АҚШ доллари эквивалентигача бўлган товарлар (тижорат мақсадида олиб чиқиладиган товарлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиладиганда Декларациянинг 6-бандида кўрсатилади. Товарларнинг қиймати 1000 АҚШ долларидан ошадиган бўлса, божхона юк декларацияси расмийлаштирилиши лозим.» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

476-477-моддалар

— 22 —

41 (749)-сон

5. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

Б. ТУРАЕВ

2016 йил 16 сентябрь